



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Қибрай тумани ХТБ мудир ўринбосари
Р.У.Мусаев

2022 йил

**Қибрай тумани ХТБ карашли 2-ИДУМ ташқи ҳожатхонасини
жорий таъмирлаш хужжатларни тайёрлаш.**

Энг яхши таклифларни танлаш

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлаш предмети

Танлаш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талабларига асосан амалга оширади.

Танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар:

Танлашни ўтказиш очик турда бўлиб, маблағ манбаси бюджет ҳисобидан **117 000 000.00** сўм пул маблағи ажратилган **Қибрай туманида жойлашган 2 ИДУМ ташқи хожатхонасини жорий таъмирлаш** танлаш ўтказиш кўзда тутилган.

Хизматни бажариб бериш: 30 кун давомида.

Хизмат нархи: смета экспертизасига асосида бўлиб 117 000 000.00 сумни ташкил этади

Қибрай туманида жойлашган 2 ИДУМ ташқи хожатхонасини жорий таъмирлаш хизмат нархи учун жавобгарлик давлат буюртмачисининг зиммасида бўлади.

Танлашга хизматнинг, нархи қўшимча қиймат солиғи билан.

Ишлар танлаш ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

2. Мазкур танлаш ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Маблағ манбаси: Буюртмачининг Ҳазначиликдаги тегишли шахсий газна ҳисоб-варагидаги маблағлари **100022860272487092100075057** ҳисобидан **117 000 000.00** сўм **Қибрай туманида жойлашган 2 ИДУМ ташқи хожатхонасини жорий таъмирлаш** хизматини бажарувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Танлаш (кейинги ўринларда – Танлаш) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлаш ҳужжатлари талаблари асосида хизматни бажариб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Буюртмачи – Қибрай туман ХТБ

Манзили: Токент вилояти Қибрай тумани Зебунисо куч 4а;

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс С.З.Усмонова

тел.: (97) 100-00-83

3. Танлаш комиссиясининг вазифалари:

- танлаш ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танлашни ўтказиш;
- танлаш талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, мудлатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва ҳолисликка ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;
- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- ҳолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлаш комиссиясининг вазифалари:

-иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

-энг яхши танлаш нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

Иштирокчи - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Иштирокчи:

- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

5. Иштирокчига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

5.1. Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллик;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

5.2. Танлаш иштирокчиларини малакали танлаши Танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлаш иштирокчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги юзасидан ҳужжат;

-юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлаш талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси, агар лицензияланадиган фаолият турига кирадиган бўлса.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши ва асосий бенефициар мулкдорлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши шарт.

Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси таклифларни танлаш бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

5.3. Иштирокчи танлаш комиссиясига (электрон тартибда) босқичма босқич бажаришлари лозим:

- иштирокчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- иштирокчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- иштирокчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);

- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);

- танлаш таклифи асли (6-шакл);

- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.4. Иштирокчи танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.5. Танлашда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш голиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг яхши таклифни таклиф қилган танлаш иштирокчиси.

Захирадаги иштирокчи – танлаш голибидан кейинги ўринда турган энг яхши таклифни таклиф қилган иштирокчи.

5.5. Танлашга қуйидаги иштирокчилар қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миқдорнинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;
- иштирокчи қонунга ҳилоф равишда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

Б. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлаш ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлаш иштирокчиси унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

В. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танлашда қатнашиш харажатлари

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи (таклиф)га барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан қўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танлашда қўлланиладиган тил

11.1. Иштирокчилар томонидан бириктирилаётган электрон таклифлар, Буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги ўзбек тилида тайёрланади.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хон ашё биржасининг www.xarid.uz махсус порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлаш ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун қафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлаш комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг яхши таклиф берган захирадаги иштирокчини Танлаш ғолибининг таклиф ва шартлари асосида танлаш ғолиби деб эътироф этиши ёки такрорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

Бунда ғолиб бўлган иштирокчи томонидан таклиф этилган нархдан захирадаги ғолиб томонидан таклиф этилган нарх юқори бўлиши мумкин эмас

22. Шартномани имзолаш

22.1. Ғолиб иштирокчи 3 (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган иштирокчи шартномани бажариш қафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги иштирокчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса конун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

Харид комиссиясининг маъсул котиби:

Кибрай тумани ХТБ Давлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахасис

С.З.Усмонова

Коммисия раиси:

Кибрай тумани ХТБ Бош мухандис

Ж.Д.Собиров

Коммисия аъзолари:

Кибрай тумани ХТБ мухандис

Э.Исаев

Кибрай тумани ХТБ Таълим стандартлари бўйича мутахасис

Д. Ражабова

Кибрай тумани ХТБ Таълим стандартлари бўйича мутахасис

Г.К.Махмудова

Кибрай тумани ХТБ Иктисодчи

Д.Иргашева